

<i>Ташкилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Оммавий-хукуқий фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси (100 та)

1. Давлат функцияларини таснифлашга қандай мезонлар асос бўлади? Фикрингизни мисоллар билан асослаб беринг.

2. Давлат шакли, унинг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни тушунтириб беринг.

3. Давлатнинг асосий ва қўшимча (ёрдамчи) белгиларини ажратиб кўрсатинг ва улар асосида давлат тушунчасининг умумий тавсифини беринг.

4. Демократик сиёсий режим турларини кўрсатинг ва уларнинг алоҳида ўзига хос жиҳатларини ёритинг.

5. Диспозиция тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг. Турлари бўйича қонунчиликдан мисоллар келтиринг.

6. Доктринал шарҳлашнинг аҳамияти ва ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.

7. Гипотеза тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг. Турлари бўйича қонунчиликдан мисоллар келтиринг.

8. Ижтимоий нормалар ва хукуқ ўртасидаги ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил этинг.

9. Ижтимоий муносабатлар тушунчаси ва уларни норматив тартибга солишининг объектив заруриятини тушунтиринг.

10. Илмий шарҳлашнинг касбий (профессионал) шарҳлашдан фарқли жиҳатларини изоҳлаб беринг.

11. Инкорпорациянинг амалга оширадиган субъектлар доирасига кўра уч тури мавжуд. Унинг мазкур турларини муҳокама этинг.

12. Расмий шарҳлаш сифатида казуал шарҳлашнинг амалий аҳамиятини муҳокама қилинг.

13. Унитар, федератив ва конфедератив давлат шакллари ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг ва амалий мисоллар асосида тавсифланг.

14. Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва уларнинг турларини юридик кучи жиҳатидан муҳокама қилинг.

15. Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунчилик ташабbusи хукуқи субъектларининг ролини таҳлил қилинг ва амалий мисоллар келтириб ўтинг.

16. Қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техниканинг ўрнини изоҳлаб беринг.

17. Қонун ижодкорлиги жараёнининг тушунчаси, принциплари ва босқичларини таҳлил қилинг.

18. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш босқичларини тушунтириб беринг.

19. Қонунийлик ва хукуқий тартиботни таъминлашда хукуқ устуворлигининг ролини кўрсатиб беринг.

20. Қонунийлик принциплари муҳокама қилинг. Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида ёритинг.

21. Қонунийлик кафолатларини муҳокама қилинг ва амалий мисоллар келтиринг.

22. Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

23. Қонунчиликдаги коллизиялар; тушунчаси, сабаблари ва бартараф этиш йўлларини муҳокама қилинг.

24. Қонунчиликни тизимлаштиришда кодификациялашнинг амалий аҳамияти изоҳлаб беринг.

25. Миллий ҳуқуқий тизим тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини ёритиб беринг.

26. Давлат бошқарувининг шакли сифатида монархиянинг ўзига хос хусусиятлари ва турларини таҳлил қилинг ҳамда мисоллар келтиринг.

27. Норасмий шарҳлашнинг турларини тушунтириб беринг ва фикрингизни мисоллар билан асосланг.

28. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилишини изоҳлаб беринг.

29. Норматив шарҳлашнинг турларини кўрсатиб беринг ва уларни муҳокама қилинг.

30. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш турларини муҳокама қилинг. Тизимлаштиришнинг амалий аҳамиятини кўрсатинг.

31. “Тайм-менежмент” деганда нимани тушунасиз? У нима учун керак, деб ўйлайсиз?

32. Презентацияга тайёрланиши нимадан бошлиш керак? Презентацияга тайёргарлик кўриш босқичларини кетма-кетлиқда ёритиб беринг.

33. “Демократия” тушунчаси бугун энг кўп қўлланиладиган сўзга айланиб қолган. “Демократия” ва “демократик давлат” тушунчаларига таъриф беринг.

34. Сўз эркинлиги деганда нимани тушунасиз? Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш борасида сўнгги йилларда қандай ишлар амалга оширилди?

35. Виждон эркинлиги деганда нимани тушунасиз?

36. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасига биноан фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиз “давлат ва жамият ишлари” деганда нимани тушунасиз?

37. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини митинг, йиғилиш ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Митинг, йиғилиш ва намойиш ўртасида қандай фарқлар бор деб ўйлайсиз?

38. Давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги конституцияий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

39. Фуқароларнинг мурожаатлари шакллари қандай? Уларнинг юридик кучи жиҳатидан ўзаро нисбатини муҳокама қилинг.

40. Ариза, таклиф ва шикоят каби фуқароларнинг мурожаатлари турлари ўртасида қандай фарқли ва ўхшаш жиҳатлар мавжуд?

41. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай иқтисодий хукуқлар акс этган?

42. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 53-моддасига қўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида баён этинг.

43. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қандай ижтимоий хукуқлар мустаҳкамланган?

44. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи қандай?

45. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 36-моддасига биноан ҳар бир шахс мулкдор бўлиш хукуқига эга. Ушбу хукуқнинг моҳияти нимадан иборат? Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида баён этинг.

46. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 42-моддасига биноан ҳар бир шахс маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуқига эга. Маданият ютуқлари деганда нимани тушунасиз?

47. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қўра ижтимоий ҳаёт нималар асосида ривожланади?

48. Инсон хукуqlari ва эркинликларининг кафолатлари деганда нимани тушунасиз? Сизнингча кафолатлар тизими инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш учун қай даражада муҳим?

49. Инсон хукуqlari бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясининг Ўзбекистонда инсон ҳукуқ ва эркинликларининг кафолатларини яратишдаги аҳамияти нималардан иборат деб ўйлайсиз?

50. Суд томонидан инсон ҳукуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни мисоллар ёрдамида ифодаланг.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини таҳлил этинг.

52. Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг кафолатларини ёритиб беринг.

53. Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатларини таҳлил этинг.

54. Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис ва Президент олдидағи жавобгарлиги масаласини таҳлил этинг.

55. Ижро ҳокимиятининг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

56. Бош вазирни лавозимидан озод этиш тартибини таҳлил этинг.

57. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартибини ёритиб беринг.

58. Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.

59. Ҳокимнинг ҳукуқий мақомини ёритиб беринг.

60. Вилоят, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар ҳокимларини тайинлаш ўртасидаги фарқларни таҳлил этинг.

61. Маҳаллий вакиллик ва маҳаллий ижроия ҳокимиятининг нисбатини таҳлил этинг.

62. Халқ депутатлари Кенгаши депутати фаолиятининг кафолатларини ёритиб беринг.

63. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиласиган хужжатларни таҳлил этинг.

64. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан муносабатини таҳлил этинг.

65. Ўзбекистонда суд ҳокимияти органлари тизими니 унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилинг.

66. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда Судьялар олий кенгашининг ўрнини таҳлил этинг.

67. Судьялар корпусини шакллантириш, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартибини муҳокама қилинг.

67. Дотация моҳиятини ёритиб беринг.

68. Бюджет ссудаси моҳиятини тушунтириб беринг.

69. Мақсадли ижтимоий трансферталар қандай мақсадлар учун ажратилади?

70. Бюджет жараёни тушунчасини тавсифлаб беринг.

71. Бюджет жараёни қандай босчичлардан ташкил топган?

72. Қайси давлат органлари Давлат бюджети лойиҳасини тузиш учун масъул ҳисобланади?

73. Бюджетнома моҳиятини тушунтириб беринг.

74. Давлат бюджетини қабул қилиш босқичини ёритиб беринг.

75. Бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тузиш, кўриб чиқиши ва тасдиқлаш босқичини ёритиб беринг.

76. Давлат мақсадли жамғармаларига таъриф беринг.

77. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлар қандай манбалар ҳисобига шакллантирилади?

78. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадлари қандай манбалар ҳисобига шакллантирилади?

79. Давлат даромадлари тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.

80. Давлат харажатлари тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.

81. Давлат кредити тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.

82. Давлат томонидан маблағ жалб қилиш қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилади?

83. Суғурта тушунчасига таъриф беринг.

84. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари тоифасини ёритиб беринг.

85. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта фарқларини ёритиб беринг.

86. Солик ва йиғим фарқларини ёритиб беринг.

87. Солик функцияларини ёритиб беринг.

88. Йиғим деганда нимани тушунасиз ва йиғимларнинг қандай турларини биласиз?

89. Солиқ деганда нимани тушунасиз ва солиқларнинг қандай турларини мавжуд?

90. Тўлов топширқномаси ва тўлов талабномаси фарқларини тушунтириб беринг.

91. Ўзбекистон Республикаси резидент юридик шахслар криптобиржа очиб фаолият юритиши мумкинми?

92. Кимлар валюта муносабатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланади?

93. Қайси ташкилотлар валютани назорат қилувчи органлар ҳисобланади?

94. Банк тушунчасига таъриф беринг.

95. Банк фаолияти тушунчасини ёритиб беринг.

96. Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари моҳиятини ёритиб беринг.

97. Қандай шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади.

98. Солиқларнинг элементларини тушунтириб беринг.

99. Солиқ имтиёзларини тушунтириб беринг.

100. Бюджет жараёнини тушунтириб беринг.